

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил июнь ойининг 1 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди ўз биносида очик суд мажлисида, судья А.Ахмадовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Т.Эштайлақовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Рахимов, судланувчи Ҳ.Рўзиқулова ва унинг адвокати Ҳақиқат ҳуқуқ тарафдори” адвокатлик бюроси адвокати А.Ғаниев, жабрланувчи А.Султоноваларнинг иштирокида, Рўзиқулова Ҳайитгул Ҳақмамат қизига нисбатан 1-1416-2302/85-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Рўзиқулова Ҳайитгул Ҳақмамат қизи (Ro'ziqulova Hayitgul Haqmat qizi) 1991 йил 22 июнь куни Ургут туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, уй бекаси, муқаддам жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2021 йил 10 март кунидаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 25.03.2022 йилдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 3 ой 8 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 11.05.2023 йилдаги ажрими билан ўталмай қолган 1 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Ургут тумани “Мерганча” МФЙ, рақамсиз уйда руйхатда туриб, яшайди, мазкур иш бўйича “қамоққа олиш” тарздаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 30.03.2023 йилда олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-



АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Рўзиқулова Ҳайитгул Ҳақмамат қизи хавфли ресидивист бўла туриб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2023 йил 26 январь куни соат 01⁰⁰ларда Ургут тумани “Навбоғ” маҳалласида жойлашган Ургут туман Тиббиёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимидаги кутиш жойидан фуқаро Султонова Адолат Мусурмоновнанинг бозор баҳоси 3.800.000 сўмлик икки дона “Самсунг” русумли уяли телефонини ҳамда 100 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини яширин равишда талон-торож қилиб, ҳодиса содир бўлган жойдан яширинган.

Судда сўралган судланувчи Рўзиқулова Ҳайитгул Ҳақмамат қизи ўз кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлиги, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 25 январь куни соат тахминан 18⁰⁰ларда Ургут туман тиббиёт бирлашмасига борганлигини, у ерда шифокорга учрашиб, жарроҳлик операциясидан кейинги ипларни олдириб ташлаганлигини, мазкур ипни олдирганидан кейин бироз муддат мазаси бўлмайд қолганлигини, у Ургут туман тиббиёт бирлашмасининг 2-қаватидаги жонлантириш бўлимининг кутиш залига кириб, у ердаги столнинг устига ухлаб қолганлигини, ўша куни кечки вақтда ўрнидан турса, у билан биргаликда кутиш залида бир неча аёл киши ҳам ухлаб ётганлигини, кутиш залига киришда стул устида ётган А.Султанованинг олдидаги электр қувватлагичда икки дона телефон аппарати қувват олиб турганлигини кўрганлигини, у ўрнидан туриб А.Султанованинг олдидаги ерда турган телефон аппаратлари олдига бориб, электр жиҳозда турган кўк рангли телефон аппаратини бирон-бир кишига билдирмасдан, уни яширин равишда ўғирлаб олганлигини, нотаниш аёл кишиларнинг ҳаммаси ухлаб ётганлигини, у мазкур телефонни олиб, уни эгнида бўлган куртқасининг чўнтагига солиб, шифохонадан чиқиб кетганлигини, шундан сўнг ўғирлик жиноятини содир қилганлиги маълум бўлганидан кейин у бир дона телефонни ИИБ ходимларига холислар иштирокида берганлигини, мазкур жиноятни пулга муҳтожлиги учун содир этганлигини, унга ҳеч ким ёрдам бермаганлигини, бугунги кунда у жабрланувчига етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб, ундан кечирим сўраганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмиши оқибатларини тўлиқ тушуниб етганлигини, қарамоғимда вояга етмаган фарзандлари борлигини, ўзи ёлғиз оналигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраган.

Судланувчи Рўзиқулова Ҳайитгул Ҳақмамат қизи суд терговидида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби суд мажлисида сўралган жабрланувчи ва гувоҳларнинг куйидаги кўрсатувлари билан ўз исботини топди.

Жумладан;

Судда сўралган жабрланувчи Султонова Адолат Мусурмоновнанинг, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 22 январь куни синглиси Гулрабонинг ҳолидан ёр олиш мақсадида Ургут туман тиббиёт бирлашмасига келганлигини,



синглиси Гулрабонинг соғлиғи яхши бўлмаганлиги учун туман тиббиёт бирлашмасининг 2-қаватидаги жонлантириш бўлимини кутиш залида бир неча кун тўнаб қолганлигини, 2023 йил 25 январь куни соат тахминан 23³⁰ларда чарчаганлиги сабабли “Самсунг С-4” ва “Самсунг А-41” русумли телефон аппаратларини қувватлагичга қўйиб, ухлаб қолганлигини, ўша вақтда кутиш залида у, синглиси Юлдуз ва бир нотаниш аёл киши бўлганлигини, у ухлаб қолганидан кейин мазкур кутиш залига кимлар кириб, чиқиб кетганлигини билмаганлигини, 2023 йил 26 январь куни соат тахминан 04⁰⁰ларда ўрнидан турганлигини, ўрнидан туриб қувватлагичда турган телефонларини кўрай деб, паст томондаги электр жиҳозга қараган вақтида, у ерда “Самсунг С-4” ва “Самсунг А-41” русумли телефон аппаратлари йўқлигини, ўша вақтда синглиси Юлдуз ўрнидан туриб кетганлигини, ўша вақтда нотаниш аёл кишидан “телефонларимни ким олганлигини” сўраганлигини, унга “телефонларни ким олганлигини” кўрмаганлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг ушбу ҳолат юзасидан ИИБга мурожаат қилганлигини, ИИБ ходимлари тезкор қидирув ишларини олиб бориб, ушбу жиноятни Ҳ.Рўзиқулова содир қилганлигини аниқлашганлигини, ҳозирги кунда “Самсунг А-41”, “Самсунг С-4” русумли телефон аппаратлари ва 100 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини тўлиқ қайтариб олганлигини, судланувчи Ҳ.Рўзиқулова ундан кечирим сўраб, етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, шу сабабли унинг судланувчи Ҳ.Рўзиқуловага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўрашлиги ҳақидаги;

Судда сўралган гувоҳ Фаттоев Бахтиёр Мирзоаҳмад ўғлининг, ҳақиқатдан ҳам, ҳақиқатдан ҳам у ҳозирги кунда Ургут туман ИИБ ЖК тезкор вакили лавозимида ишлашлигини, 2023 йил 26 январь куни Самарқанд вилояти ИИБнинг 102-рақамига фуқаро Аҳмедов Сирожиддин Жуманович мурожаат қилиб, унда 2023 йил 25 январь кунидан 26 январь кунига ўтар кечаси Ургут шаҳар “Навбоғ” маҳалласида жойлашган Ургут туман тиббиёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимидаги кутиш жойидан номаълум шахс қайни опаси Султонова Адолат Мусурмоновнага тегишли бўлган 2 дона “Самсунг” русумли телефон аппаратларини яширин равишда талон-торож қилиб, ҳодиса содир бўлган жойдан яширинганлигини, ушбу номаълум шахсни топиб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраганлигини, шундан сўнг у мазкур иш бўйича тезкор қидирув ишларини олиб борганлигини ва ушбу жиноятни Ҳ.Рўзиқулова содир қилганлигини аниқлаганлигини, Ҳ.Рўзиқулова Ургут тумани ИИБ биносида фуқаро А.М.Султоновага тегишли бўлган “Самсунг” русумли телефон аппаратини тақдим қилганлигини, мазкур телефон аппарати икки нафар холислар иштирокида ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилиб олинганлигини, Ҳ.Рўзиқуловадан иккинчи телефон ва 100 АҚШ доллари миқдоридаги пуллар бўйича суриштирув ҳаракатлари олиб борилганда, у иккинчи телефонни яшаш уйига яшириб қуйганлигини, уни ҳозирги кунда топа олмаётганлигини, мазкур телефонларнинг орқа қисмида 100 АҚШ доллари миқдоридаги пуллар



йўқлигини маълум қилганлигини, шундан кейин тўпланган ҳужжатларни ва ашёвий далилни тергов бўлимига тақдим қилганлиги ҳақидаги,

Судда сўралган гувоҳ Махманов Умид Исом ўғлининг, ҳақиқатдан ҳам ИИБ ходимларининг илтимосига кўра шу ишда холис сифатида иштирок этганлигини, 2023 йил 13 феврал куни Ургут тумани ИИБ маъмурий биносида Рўзиқулова Ҳайитгул 2023 йил 26 январ куни Ургут туман тиббиёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимидаги кутиш жойидан бир аёл кишининг икки дона “Самсунг” русумли телефон аппаратларини яширин равишда ўғирлаб кетганлигини айтганлигини, кейин ИИБ ходимлари бир дона “Самсунг А-41” русумли телефон аппаратини Рўзиқулова Ҳайитгулдан уларнинг иштирокида тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олишганлиги ҳақидаги,

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида мавжуд суд терговида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги инкор қилиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан, яъни,-

-Билдирги, оғзаки аризани қабул қилиб олиш тўғрисида баённома, воқеа жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма ҳамда фотожадваллар; далилий ашёни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома; кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, ҳукм ва ажрим нусхалари, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, судланувчи Рўзиқулова Ҳайитгул Ҳақмамат қизининг, ўғирлик яъни хавфли рецидивист томонидан ўзгалар мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жинойий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ҳ.Рўзиқулованинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.” деб кўрсатилган бош қомус талабларини инobatга олиб, судланувчи Ҳ.Рўзиқуловага нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятини, шахсини, ёшини, оилавий аҳволини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунидаги № 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорини 5-бандида “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ратмаган ҳолда ахлоқан тузалиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан одликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш



учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деб,

Шунингдек, мазкур Пленуми Қарорининг 25-1-бандидаги, “Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборатдир. Тушунтирилсинки, суд ҳукмининг қарор қисмида: озодликни чеклаш тариқасидаги жазо, яшаш жойини бутунлай тарк этишни тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашнинг мазмуни аниқ кўрсатилиши лозим. Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органининг жазоларни ижро этиш инспекцияси ёки суд томонидан белгиланган бошқа орган назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни ўташ шартлари суд томонидан содир этилган қилмишнинг хусусияти ва жазони ўташдан бўйин товлашнинг олдини олишни инобатга олган ҳолда белгиланади” деган кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, содир этган жинояти оғир жиноятлар туркумига киришлигини, жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, ёшини, оилавий шароитини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, иш бўйича етказилган моддий зарарни тўлиқ бартараф қилинганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жиноятни ижтимоий хавфини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан жазо тайинлашда етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг даъвоси мавжуд эмаслиги, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, содир этган қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймон эканлигини алоҳида эътиборга олиб, ушбу ҳолатларни қилмишни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, тайинланган жазога ЖКнинг 62-моддасини татбиқ этишни, жазо миқдорини белгилашда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишни, шунингдек озодликни чеклаш жазоси талаби сифатида унга муайян мажбуриятларни юклашни, худди шунингдек уни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришни ва Ҳ.Рўзиқуловага нисбатан қўлланилган “Қамоққа олиш” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунига қадар муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида “тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартиришни ва уни дарҳол суд залида қамоқдан озод қилишликни лозим топади.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона DVD диск жиноят ишига қўшилганлигини инобатга олишликни ва ҳукмининг қарор қисмида ушбу масалани қўшимча равишда кўрсатиб ўтмасликни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471, 473, 474-476-моддаларига амал қилиб, суд



ҲУКМ ҚИЛДИ:

Судланувчи Рўзиқулова Ҳайитгул Ҳақмамат қизи (Ro'ziqulova Nayitgul Haqmatat qizi) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Рўзиқулова Ҳайитгул Ҳақмамат қизига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди, 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан судланувчи Ҳ.Рўзиқулованинг 07.05.2023 йилдан 01.06.2023 йилга қадар қамоқда ўтирган кунларини ҳар бир куни озодликни чеклаш жазосига тенглаштирилиб, ўталган деб ҳисобланиб жазодан чегирилсин ҳамда ўташ учун 2 (икки) йил 11 (ўн бир) ой 4 (тўрт) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи Рўзиқулова Ҳайитгул Ҳақмамат қизини яшаш жойидан ҳар куни кеч соат 21:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар чиқиши чеклансин.

Судланувчи Рўзиқулова Ҳайитгул Ҳақмамат қизига;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилоят ҳудудини тарк этмаслик;

-муайян жойларга, яъни кафе, барлар ва ресторанларга бормаслик, спиртли ичимлик истеъмол қилмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Судланувчи Рўзиқулова Ҳайитгул Ҳақмамат қизини хулқи устидан назорат олиб бориш Ургут туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати суд ҳукми ижрога қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Рўзиқулова Ҳайитгул Ҳақмамат қизига нисбатан қўлланилган “Қамоққа олиш” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунига қадар муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида “тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва у дарҳол суд залида қамоқдан озод этилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги, белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:

А.Ахмадов

